



**Кутубхона ҳисоби** - мунтазам рўйхатга олиш ва кутубхона фаолиятини характерловчи миқдорий кўрсаткичларни ҳисобга олиш демакдир.

Кутубхоналарда 3 хил ҳисобга олиш мавжуд:

- Тез (ёки бошланғич)
- Статистик
- Бухгалтерия ҳисоби

**Бошланғич ҳисоб** – кутубхона ишининг ҳар бир жараёнини мунтазам ҳисобга олиш: янги келиб тушган ва чиқарилган китобларнинг ҳужжатларини ўз вақтида тайёрлаш, китобхон формулярини тўлдириш ва унга берилган адабиётларни ёзиш, кутубхона кундалиги, справкаларни ҳисобга олиш дафтарини ва бошқа ҳужжатларни мунтазам юритиб бориш.

**Статистик ҳисоб** – кутубхона фондининг ҳажми, таркиби, айланиши, китобхонлар сони ва таркиби, китоб берилиши, қатнов, шунингдек, оммавий, библиографик ва методик ишларнинг ҳажми хақидаги аниқ маълумотларни ўрнатади. Барча маълумотлар бошланғич ҳисоб шаклидан олинади.

Кутубхона фаолиятининг миқдорий натижалари ҳар ойнинг (чорак, йил) охирида якунланади.

Статистик ҳисоб барча кутубхоналар учун мажбурийдир, ягона услуг бўйича амалга оширилади, ҳисобнинг ягона шаклини киритиш ёрдамида эришилади.

**Бухгалтерия ҳисоби** – кутубхонага барча келиб тушган ва сарфланган моддий бойликларни (китоблар, жиҳоз ва б.) рўйхатдан ўтказиши. Маблағни сарфлаш ҳужжатлар билан тасдиқланади.

**Кутубхона статистикаси кўрсаткичлари** Кутубхона статистикаси кутубхона фаолияти билан боғлиқ ҳодиса ва жараёнларнинг миқдорий томонларини ўрганади. Кутубхона статистикаси кўрсаткичлари абсолют (мутлак), ўрта, нисбий миқдорларда ифодаланади.

### Абсолют кўрсаткичлар

**Китобхонларни ҳисобга олиши** – кутубхонада китоблардан фойдаланувчи кишилар сонини кўрсатади. Ҳисоб бирлиги китобхон формуляри ҳисобланади.

**Китоб берилишини ҳисобга олиши** – босма нашрлар ва бошқа ҳужжатларнинг (граммалик, диск ва б.) китобхонлар томонидан фойдаланганлиги (уйга берилган ёки ўқув залида кўриб чиқилган) миқдорини кўрсатади. Китобхон формуляридаги ёзувлар ҳисобга олишнинг асоси ҳисобланади. Ҳисоб бирлиги китоб, брошюра, “семиз” журналлар учун нусха, тикилган “юпқа” журнал ва газеталар (подшивка) учун комплект белгиланган. Умумий китоб берилишини ҳисоблаш учун кутубхонанинг барча бўлимларида китоб берилиши жамланади.

**Қатновни ҳисобга олиши** – кун давомида китоб олиш, уни алмаштириш ва қайтариш учун келган китобхонлар формулярини санаб чиқиш йўли билан амалга оширилади.

Ахборот олиш, оммавий тадбирда қатнашиш учун келган фойдаланувчилар ҳам қатнов ҳисобига киритилади.

### Оммавий тадбирларни ҳисобга олиши

-кутубхонада ўтказиладиган кўргазмалар, адабий ва мавзули кечалар, китобхонлар конференцияси, адабиётлар обзори, оғзаки журналлар ва бошқа тадбирларни санаб чиқиш орқали амалга оширилади. Оммавий тадбирларнинг бир қанча шаклларидан фойдаланиб ўтказилган комплекс тадбирлар битта тадбир ҳисобланади.

**Китобхонлар сўровини ва баъжарилган справкаларни ҳисобга олиши** – белгиланган шаклда дафтарда юритилади.

**Кутубхона фондини ҳисобга олиши** – кутубхона фонди ва унинг таркибий бўлимлари фонди (ҳажми, таркиби, янги олинган, чиқарилган) хақида умумий маълумот беради.

### Ўрта кўрсаткичлар

Бу бир қанча ёки кўпгина миқдорларнинг умумий ёки жамланган хусусиятидир. Масалан, бир кунлик ўртача қатнов (Қун) бир йил давомидаги қатновни (Йил) иш кунига (К) нисбати орқали ҳисобланади.

**Қун = Йил : К**

### Нисбий кўрсаткичлар

Бу бир солиширма миқдорнинг иккинчиси билан муносабати. Нисбий миқдорлар 3 хил бўлади:

- ўсиш
- тузилиш
- жадаллик

**Ўсиш кўрсаткичлари** – рақамлар маъносининг + ёки – белгилари билан ифодаланишини акс эттиради.

**Тузилиш кўрсаткичлари**- қисмни бутун сонга бўлиш йўли билан хисобланади ва фоизларда ифодаланади.

**Жадаллик кўрсаткичлари** - мазмунан ҳар хил лекин бир - бирига боғлиқ иккита кўрсаткичнинг ўзаро нисбатини ўлчайди. Унга қуидагилар киради:

**Китоб ўқилиши** (Ў)- китоб берилишининг (Кб) китобхонга (К) нисбати. Ўқиш тезлигини характерлайди, йил давомида 1 китобхонга берилган китоблар сонини кўрсатади. Қуидаги формула орқали ифодаланади:

$$\text{Ў} = \text{Кб} : \text{К}$$

**Ўртacha қатнов** (Қат) - Бир китобхонга (К) 1 йил давомида тўғри келадиган ўртacha қатнов сони (К). Қатновнинг китобхонга нисбати. Китобхонларнинг кутубхонага қатнаш фаоллигини характерлайди.

$$\text{Қат} = \text{К} : \text{К}$$

**Китоб фондининг айланиши** (Фа)- китоб берилишининг (Кб) фонднинг ҳажмига (Ф) нисбати. Фонддан фойдаланиш даражасини аниqlайди.

$$\text{Фа} = \text{Кб} : \text{Ф}$$

**Китобхонни китоб билан таъминлаш** (Т)- бир китобхонга тўғри келадиган ўртacha китоб сони, йил охирига фонд ҳажмининг (Ф) китобхонларга (К) нисбатини характерлайди.

$$T = \Phi : K$$

Шунингдек, аҳолини (А) китоб билан таъминланиши ҳам аниqlанади:

$$T = \Phi : A$$

Берилган ҳисоб кўрсаткичлари асосида кутубхонанинг ҳисботи тайёрланади.



**АҲМАД ФАРГОНИЙ НОМИДАГИ  
ФАРГОНА ВИЛОЯТ  
АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗИ**

ИЛМИЙ УСЛУБИЯТ БЎЛИМИ

## Кутубхона ҳисоби

### Ёш кутубхоначилар учун



**Эслатма**

**Фарғона 2016**